Ушбу сонда:
2 Сўраган эдингиз — ҲУҚУҚИЙ - ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИ
3 Фельетон — ГИРДОБ
4 ИШЧИ СПОРТЧИЛАР МАҲОРАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 июл, чоршанба №100 (932)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**9**

## Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

*Қарор ва шарҳ*

## ЭКСПОРТ УЧУН ОЧИЛГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хусусий тадбиркорлар, воситачи-тижоратчилар ва айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқонлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Гап шундаки, илгари мамлакатимизда етиштирилган сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумни ўз вақтида четга чиқариб сотишга бел боғлаган ишбилармонлар талай расмиятчилик, тушунмовчиликлар билан бирга, жиддий муаммоларга ҳам дуч келарди. Бу эса не-не машаққат эвазига етиштирилган маҳсулотнинг ора йўлда қолиб кетишига, сифатининг бузилишига, деҳқон ҳафсаласининг пир бўлишига олиб келарди.

Айтиш мумкинки, эндиликда деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирган мўл ҳосилни сотишда сунъий тўсиқларга дуч келмайди. Зеро, ҳукуматимизнинг юқорида номи зикр этилган қарорида улар учун қулай шароитни шакллантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш бозорларини янада кенгайтириш ва уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш, энг аввало, деҳқонлар ва қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларининг етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун зарур шароит яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Қарорда жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумни мамлакат ташқарисига чиқаришнинг 2000 йил 10 июлдан 1 октябргача бўлган даврга мўлжалланган тартиби илова қилинганлиги, шубҳасиз, айни муддао бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жисмоний ва юридик шахслар ўзлари етиштирган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини, шу жумладан бартер асосида, республика ташқарисига чиқариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг тегишли рухсатномаларини олиши жорий йилнинг 1 октябрига қадар талаб қилинмайди. Улар контракт шартларидан келиб чиқиб, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилиши - олдиндан тўлиқ ва қисман ҳақ тўлаш асосида, консигнация шартларида ва бартер асосида амалга ошириши мумкин.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда, Республика Давлат божхона қўмитаси эса бир кундан ортиқ бўлмаган муддатда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳам ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга фитосанитария сертификатини бир кунда бериши лозим.

Шуниси эътиборлики, мазкур ҳужжатда республика Прокуратурасига, Адлия вазирлигига давлат органлари ва идоралари томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришнинг белгиланган муддатларига риоя қилиниши, мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатиш кечиккан тақдирда эса - юкни жўнатувчи томонидан кўрилган зарар айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиниши устидан қатъий назоратни таъминлаш тавсия этилган. Бу, шубҳасиз, деҳқон йил бўйи тер тўкиб етиштирган турли ноз-неъматларнинг исроф бўлиши ва сифатининг бузилишига йўл қўймайди, истеъмолчиларга тезроқ етказиб бериш имкониятини яратади.

**(ЎзА)**

*Ибрат*

***Дарҳақиқат, қаерда ижтимоий муҳофаза яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда кўрсаткичлар доим юқорилайверади. Бундан бир неча йиллар муқаддам қувасойликлар маиший хизмат кўрсатишнинг бир туридан фойдаланиш ҳақида хатто ўйламай қўйган эдилар. Тўғри-да, бир пайтлар шаҳарда иккита ҳаммом бор эди, кейинчалик умуман фаолият кўрсатмай қўйди. Ҳеч ким қарамаганидан кейин бу бинолар ночор аҳволга тушиб қолиши табиий эди.***

## АВВАЛО ИНСОНГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

«Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ҳаммомни сотиб олиб, уни тартибга келтиришга қарор қилдилар. Албатта, бу осон иш эмас эди. Канализация тармоқлари ишдан чиққан, иссиқ ва совуқ сув узатиш қувурлари яроқсиз ҳолга келган эди. Кетадиган харажатларни ҳисоб-китоб қилиб, барча ишларни корхона ҳисобидан бажаришга қарор қилдилар.

Бугунга келиб ҳаммом янгитдан чирой очди. Эркак ва аёллар умумий ювиниш хоналари, алоҳида бўлмалар тўла жиҳозланди. Барча қулайликлар яратилди. Эркак ва аёллар сартарошхонаси ишга туширилди. Янги қурилган чойхонага кирган одам яратилган шарт-шароитдан дили яйрайди.

Ушбу ҳиссадорлик жамиятида жами 3124 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг саломатлигини тиклаш, яхши дам олишларини ташкил этиш доимий эътиборда. Шунингдек, ҳар байрам ва тантаналарда ишчи-хизматчилар муносиб рағбатлантирилади. Масалан ушбу корхонада ишлаб кетган ногиронларга 38 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ҳиссадорлик жамияти аъзоларига 4 миллион 549 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Дори-дармонларга 2 миллион сўм сарфланди.

Албатта, инсон саломатлиги биринчи ўринда туради. У соғлиғи яхши бўлсагина унумли меҳнат қила олади. Жамият аъзолари вақти-вақти билан сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда дам олишади. Саломатликларини тиклаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Сўнгги пайтларда Андижондаги сиҳатгоҳга 32 та, «Чимён» санаторийсига 5 та йўлланма корхона ҳисобидан ажратилди.

Нафақахўрларга ҳам мунтазам ғамхўрлик кўрсатилаётир. Уруш қатнашчиси Кравченкога ногиронлар аравачаси берилди. 56 нафар уруш ҳамда Чернобль фожеаси қатнашчиларининг ҳар бирига 5 минг сўмдан ёрдам пули ажратилди. О.Қорабоев, А.Ғафуров, Р.Зариповларнинг уйида ёнғин чиққанлиги сабабли қурилиш материалларидан бепул ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқорилигини шундан ҳам билса бўладики, шу йилнинг апрел ойида ишчиларнинг ўртача маоши 20 минг сўмдан ошди. Беш ойда 2 миллион 83 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шу билан бирга жамият аъзоларининг ҳар бирига тушлик учун кунига 210 сўмлик талон тарқатилади. Вақти-вақти билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилади.

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки корхона эҳтиёжи учун ўтган йилнинг охирларидан бошлаб Фарғона туманидаги «Лоғон» адирларидан оҳактош қазиб ола бошлади, — дейди бош технолог З.Нурмуҳамедов. У цемент тайёрлашда асосий хом ашё ҳисобланади. Атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш мақсадида чанг ушлаш қурилмалари тубдан таъмирланди. Унга қўшимча сув ҳавзалари қурилиб, чиқинди чанглар тарқалиши олди олинди.

Илгари ишлаб чиқарилган оҳак асосан техник шартлар билан тайёрланар эди. Эндиликда талабларга жавоб берадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Натижада харидорлар кўпайиб, маҳсулот сифатига эътирозлар қарийб тўхтади.

Бундан уч йил муқаддам Испания пойтахти Мадрид шаҳридан ҳушхабар таралган эди. Унда Ўзбекистоннинг энг чекка шаҳарларидан бири Қувасойдаги ушбу корхона «Олтин юздуз» соврини билан тақдирланди, дейилган эди. Бу мукофот бежиз берилмаганди. Тинимсиз изланишлар, жаҳондаги энг илғор технологияларни келтириб ишга тушириш эвазига шундай мукофотга эришилди.

— «Олтин юлдуз» совринини қўлга киритганимиз биз учун катта шараф, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Фозилов. — Шу билан бирга соврин зиммамизга жуда катта масъулият ҳам юклайди. Қолаверса у бизни чет элга танитгани маҳсулот сифатига эътиборимизни кучайтиришни тақозо этмоқда. Мақсадга эришмоқ учун замон талабларига мос янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этдик. Тўрт хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Майдаланган оҳак, унинг 85-90 фоиз фаолликдаги янги тури, «500» маркали цемент шулар жумласидандир.

Икки йил мобайнида 100 дан ортиқ таклифларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилгани катта самара берди. Келтирган фойдаси 90 миллион сўмдан зиёд бўлди. Корхона олаётган даромад баракали бўлишида Г.Эргашев, А.Зокиров, А.Иброҳимов, Ш.Тожибоев, М.Муродов, З.Нурмуҳаммедов, В.Никифорова сингари изланувчан ихтирочи ва рационализаторларнинг муносиб ҳиссаси бор.

«Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти биргина қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан чекланаётгани йўқ. Бу ерда яқинда «Олтин юлдуз» деб номланган кичик корхона ташкил этилди. У бир кеча-кундузда 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Айни пайтда жамоа эҳтиёжига яраша 1600-1700 килограмм сут қайта ишланиб қатиқ, пишлоқ, сариёғ, қаймоқ каби маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга тарқатилаётир.

Биз ҳикоя қилаётган цементчилар номини қувасойликлар ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Яқинда 310 нафар болага суннат тўйи қилиб берган ҳам, яқин атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчиларга 2 миллион 348 минг сўмлик ёрдам пули тарқатган ҳам, Қувасой шаҳрини қиш мавсумига тайёрлаш учун 2,5 миллион сўм пул ажратган ҳам, «Цементчи» футбол командасини оталиққа олган ҳам шу жамоа аъзоларидир.

Уларнинг шу каби савоб ишлари жуда кўп. Муҳими, ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган бундай саховат ва хайрия тадбирлари одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаяпти.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЮРАКДАН АЙТИЛГАН СЎЗЛАР

Ҳашар йўли билан обод этилган тарихий ва қадимий қадамжолар жумладан, Баховуддин Нақшбанд, «Чор-Бакир» каби тарихий обидалар сирасига кирувчи Шофиркон туманидаги Хўжа Ориф Моҳитобон Ар-Ревгарий хазратларининг эски масжиди замонавий услубда таъмирланмоқда. Бугун ёдгорлик мажмуида ишлар қизғин кетяпти. Масжид деворлари, хазратнинг қабрлари атрофи, масжид ҳужралари, чиллахоналар асил ҳолига келтирилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимизга эга бўлдик. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиш керак!» — деган сўзларини юракдан ҳис қилган ҳолда савоб ишларга қўл урмоқдамиз, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига «Бухоро таъмир» корхонаси устаси К.Толибоев. — Хайрия йўли билан обод этилаётган ушбу қадамжода бугунги кунда 30 нафарга яқин «Бухоро таъмир» корхонаси усталари, туманнинг бошқа корхона ва ташкилотларидан келган ишчилар ғайрат шижоат кўрсатишмоқда.



***Инсон ҳамиша бахтга интилади. Тер тўкиб меҳнат қилиб, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонсам дейди. Бунга эришганлар эса ҳаётда ўз ўрнини, бахту иқболини топган кишилардир.***

## КОРХОНА ЧЕТГА КЎЗ ТИКМАЙДИ

Наманган шаҳрида ташкил этилган «Намточ» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси илгари четдан келтирилган тақчил маҳсулот - газ ва сув ҳисоблагичлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Қўшма корхона «Наманганагаз» бошқармаси ва Владимир шаҳридаги «Точмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси муассислигида тузилган. Дастлабки пайтда Владимирдан келтириладиган бутловчи қисмлардан газ ва сув ўлчагич асбоблар йиғилади, кейинчалик керакли қисмлар корхонанинг ўзида ишлаб чиқарила бошлайди.

Корхона йилига 50 мингга яқин ҳисоблагич ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона маҳсулоти дастлаб Наманган вилояти ва Фарғона водийси истеъмолчиларига, сўнгра республиканинг қолган ҳудудларига сотилади. Келажакда маҳсулотни яқин хориж мамлакатларига экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

## ФОЙДАГА ИШЛАЁТГАН ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИ

***Наманганадаги «Обод-текстил» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида 39 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Хом ашё ва замонавий чет эл тўқувчилик дастгоҳларини сотиб олиш учун «Заминбанк»дан олинган 11 миллион 200 минг сўмлик қарз маблағлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қўшимча ишчи кучларини жалб этишни тақозо қилди.***

Банкнинг Намангандаги филиали тўқимачиларнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, юқори сифатли буюмлар: турли андозада ва безаклар берилган маҳсулотлар - сочиқлар, дастурхонларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисидаги буюртмаларини ўрганиб чиқди. Пухта тузилган бизнес-режа, асосли ҳисоб-китоблар тадбиркорлар мақсадларининг ҳаётийлигига бизни ишонтирди, - дейди «Заминбанк»нинг Наманган филиали бошлиғи Ҳабибулло Маматов. - Уларга 5 йил муддатга йилига 14,4 фоиз билан имтиёзли кредит ажратилди.

Орадан кўп ўтмай «Обод-текстил» кўзда тутилган кўрсаткичларга бирин-кетин эриша бошлади. Қарз маблағларидан оқилона фойдаланиш иқтисодий самарага эришиш ҳамда молиявий аҳволни яхшилаш имконини яратди. Айни кунда ушбу корхонанинг активлари 2,6 марта ўсди. 1999 йилда эса салкам 7 миллион сўм фойда олинганди. Ойлик ўртача айланма миқдори 20-25 миллион сўмга етди. Тўқимачилар маҳаллий хом-ашёдан уддабуронлик билан фойдаланиб тайёр маҳсулотларни нафақат Ўзбекистоннинг ўзига, балки чет элга ҳам чиқаришяпти. Улар кўплаб амалларни бажара оладиган тўқимачилик машиналарини сотиб олиб янглишмадилар. Айнан ушбу дастгоҳлар юқори сифатли ва кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имконият бермоқда.

*Бозор муаммолари*

## ТОР ЖОЙДА ТОМОША

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Қорақалпоғистон меҳнаткашлари томонидан илиқ кутиб олинди. Боиси Оролбўйи ҳудудидаги мавжуд 17 та деҳқон бозорлари ҳиссадорлик жамиятларининг кўпчилигида мазкур қарорда таъкидланган камчиликлар мавжуд. Олиб сотарлик камаймаяпти. Йиғимлар ундиришда ғайри-қонуний ҳаракатларга йўл қўйилмоқда. Савдо қилувчилар учун зарур шароитлар яратилмаган, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш даражаси паст.

Тўрткўл шаҳридаги деҳқон бозори якшанба куни ҳамиша сотувчилар ва харидорлар билан гавжум. Бир қарашдаёқ бозор майдони торлиги учун бетартиблик кўзга ташланади. Савдо ўринлари учун талашиш-тортишиш одатга айланган. Ярим аср олдин иш бошлаган ва атиги 2,2 гектар майдонни эгаллаган бозор салкам 150 минг аҳоли истиқомат қиладиган Тўрткўл тумани эҳтиёжини қондира олмаслиги табиий. Бозорга эса Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари узлуксиз равишда келиб туради.

- Янги бозор учун 7,5 гектар ер майдони ажратилди, - дейди Тўрткўл «Ризқрўз» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Айитбой Урунов. - Бироқ қурилиш учун маблағ йўқ. Ўн бир миллион сўм кредит олишга ҳужжат расмийлаштирган эдик. Аммо масала ечимини топмаётир.

- Балки топаётган даромадларингиз олинадиган қарзни қоплашга етмас...

- Бундай фикрга асос йўқ. 1998 йили бир марталик йиғим ва бошқа хизматлар учун 3,5 миллион сўм даромад олган бўлсак, бу кўрсаткич ўтган йили 10,5 миллион, йилнинг ўтган биринчи ярмида эса 8,5 миллион сўмга етди. Акциядорларимиз бир сўмлик акцияларига бир ярим сўмдан дивиденд оляпти.

Бозор ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, ажабтовур ҳолга дуч келдик. «Тор жойда томоша» деганларидек, бозор ўртасида... ўт ўчирувчилар қисми жойлашган экан. Унинг теварак-атрофини савдо расталари ўраб олган. Депога борувчи йўлнинг икки четида автомашиналар, аравалар тиқилиб турганидан пиёданинг ҳам ўтиши маҳол. Бир амаллаб «Тўрткўл туман 9-сон мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми» деган ёзуви бор бинога ўтиб олдик.

- Қисмимиз бозор ўртасида қолиб кетгани бизга ҳам ноқулайлик туғдирмоқда,- дея изоҳ берди қисм бошлиғи, майор Бахтиёр Ешбоев. - Ҳар эҳтимолга қарши битта ўт ўчирувчи машинани бозордан сал нарироққа, кўча бошига чиқазиб қўйишга одатланганмиз. Маъмурий бинони бошқа жойга кўчириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1996 йил 17 майдаги 135/5 рақамли қарори қабул қилинган эди. Қурилишнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёр. Бир гектар ер майдони ажратилган. Аммо қурилиш ҳамон бошланмади.

Беихтиёр ўйга толдик; тўрт йил олдин қабул қилинган қарор нега бажарилмаяпти, унинг ижроси билан нима учун тегишли мутасадди ташкилотлар шуғулланмаяпти? Бу борада Тўрткўл туман ҳокимлиги нега ўзининг мустақил фикрини билдириб, бозор фаолиятини яхшилаш бўйича амалий кўмак бермайди? Бу ва бошқа долзарб саволларга жавоб топилмаса, тўрткўлликлар «Бозорга ўт ўчириш командаси зарурми?» - деган саволга тайинли жавоб ололмасдан хуноб бўлиб юраверишлари тайин.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Истиқлол берган имкон*

***«Акмал» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, «Хонтемир» хусусий чорва фермаси, «Бўстон» хусусий фирмаси, «Гўзал» фермер хўжалиги... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бу тадбиркорлик тузилмалари Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ташкил этилган. Уларнинг айримлари ўзларининг самарали фаолиятлари билан вилоятдагина эмас, республикада ҳам машҳур.***

## ОҚҚЎРҒОН МУЛКДОРЛАРИ

«Акмал» кўп тармоқли хусусий корхона жамоаси ўзининг муваффақиятли меҳнат фаолияти билан тилга тушган. У туман, вилоят ва республика бўйича ҳар йили ташкил этилаётган тадбиркорлар, хунармандлар ва фермерларнинг «Ташаббус» кўрик-танловларининг ғолиблари сафида бораяпти. Унинг ташаббускор, моҳир ташкилотчи, тадбиркор раҳбари Раҳимжон Умиров 1997 йилдаги шундай кўрик-танловда вилоятда биринчи, республикада эса мукофотли ўринлардан бирини олди. 1998 йил якунлари бўйича уюштирилган «Ташаббус» тадбирида ғолиб чиқди ва республикамиз Президенти таъсис этган мукофот - «Нексия» енгил автомашинаси билан тақдирланди. «Хонтемир», «Гўзал» хусусий фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам вилоят бўйича бўлиб ўтган шундай тадбирларда юқори ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишган.

Шуниси диққатга сазоворки, бу тадбиркорлик тузилмалари ўз маҳсулотлари билан истеъмол бозорини бойитишга ҳисса қўшмоқда. Масалан, «Акмал» фирмаси чигит, кунжут, махсар, ловия ҳамда қовун, тарвуз уруғи доналаридан озуқабоп ва фармакология саноатида ишлатиладиган мой ишлаб чиқаради. Унинг таркибида илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш гуруҳи, қурилиш ва таъмирлаш бўлими, мой қуйиш цехи, каттагина майдонни эгаллаган боғ, экинзор бор. Фирма жамоаси хайрия ишларида фаол қатнашади. Ҳар йили шу мақсадлар учун миллион сўмлаб маблағ ажратилади. Унинг ҳузуридаги таэквандо клубида эллик нафарга яқин ёшлар шуғулланмоқда. «Хонтемир», «Гўзал» фермер хўжаликлари, «Бўстон» хусусий фирмаси фаолияти ҳам мақтовга лойиқ.

Амалга оширилаётган яна бир ибратли тадбир ҳақида тўхталишни лозим топдик. Чунки у ишбилармонлик фаолияти давомида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга ёрдам бермоқда. Бу ерда гап анъанага айланиб бораётган «Тадбиркор куни» ҳақида бормоқда. Бу ҳар ойнинг биринчи ва учинчи шанбаларида ўтказилади. Шу кунларда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан туман ҳокимлигига, барча мутасадди ташкилотларга мурожаат қилишлари мумкин.

Шу туфайли ҳам Оққўрғонда тадбиркорлик тузилмалари сони анчага бориб қолди. Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтган, юридик шахс мақомини олган хўжалик юритувчи субъектлар сони салкам 600 га етди. Жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётганлар эса 620 кишидан ҳам ошиб кетди. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида тадбиркорлар сафига ўнлаб янгилари қўшилди. Чунончи, 53 та янги ташкил этилган корхона ва фирмалар рўйхатга олинди. Уларнинг соҳибаларига юридик шахс мақоми берилди. Шунингдек, 98 киши жисмоний шахс сифатида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун рухсатномалар олди.

Туманда иқтисодиётни тараққий эттиришнинг асосий омили бўлиб бораётган тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш соҳасидаги ишлар кўлами бундан буён ҳам кенгайиб ва чуқурлашиб бораверади. Бу эса иқтисодий ислоҳотларнинг истиқболдаги самараси янада салмоқли бўлишига хизмат қилади.

**Собир ҲАМИДОВ.**

# ҚАҲРАМОН ИЗЛАБ

## Фильмни суратга олишдан олдинги ўйлар

***Негадир хорижий мамлакатларда хизмат юзасидан ёки дам олишга борганимизда сафар таассуротларини айтишга, ёзишга ўзимизда эхтиёж сезамиз. Бу ишни озми- кўпми бажарамиз ҳам. Аммо ўзимизнинг кўҳна ва навқирон шаҳарларимизга сафарга борганимизда кўпинча ҳис-ҳаяжонларимиз, фикр-мулоҳазаларимиз ичимизда қолиб кетади.***

Ана шундай ўйлар Шарқнинг дуру гавҳари Хоразмнинг саҳий- саҳоватли кишилари ҳамда тенги йўқ миноралари, зиёратгоҳларини ва жозибали рақсларини кўрганимизда пайдо бўлди. Кўҳна ўлка истиқлол шарофати ила ороланиб, ёшариб кетгандек кўринди. Айниқса, ёшларнинг ўзгача фахр-ифтихор билан осмонўпар миноралар, накшинкор мадрасалар, салобатли, паҳлавон дарвозалар, муқаддас зиёратгоҳларни ўзгача завқ-шавқ билан томоша қилиб, ота-боболарини эслашлари, улар бунёд этган санъат асарларини ардоқлашларида чуқур бир маъно кўрдик. «Калта минор», Исломхўжа минораси каби меъморчилик, санъатининг дурдоналарини кўриб катта бўлган бу йигит-қизларнинг эстетик идеали ҳамиша юксак бўлишига иймон келтирдик.

Бетховеннинг асарларини севган киши ҳеч қачон ўғрилик, қароқчилик қилмайди дейдилар. Хивада ўсган, унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлган ёшлар ҳам бундай юксак туйғудан бегона эмас, дегинг келади.

### ШОҲ ФЕРУЗ ВА «КИНОЧИ ДЕВОН ОТА»

Нилий мадрасалар ва осмонўпар миноралар, уларнинг ижодкорлари Ватани бўлмиш Хивада ўзбек киносининг илк кадрлари пайдо бўлиши ҳам табиий бир ҳол бўлиб кўринади. Бу ўлкада кинони техник ихтиро сифатида қабул қилиниши ва унинг бадиий-эстетик имкониятларини кўра билиш учун пухта замин ва қулай шароит мавжуд эди. Шу боис хиваликлар кино санъатимизнинг қалдирғочи Худойберган Девоновнинг ижодий жасорати ҳақида гап кетганда албатта, унинг бой маънавияти, фазилатлари ҳақида завқ-шавқ билан сўзлайдилар.

«Қўй сўйиб юртга ош берар эди... Уйига келган илмий, ижодий экспедицияларни яқин қариндошидек қабул қилиб, меҳмон қилар, ҳунарини ишга солиб, фото-кинолавҳалар яратар эди... Кўплаб шогирд тайёрлашни мақсад қилиб қўйган эди... Шоҳ ва шоир Феруз мурувватидан баҳраманд бўлган бу суратчи шўролар даврида хор бўлди, қамалди, отилди. Алам, армоннинг чеки йўқ!» деб ижодни ижтимоий ҳаёт билан боғлаб фикр юритадилар. Сафаримиз кунларида жафокаш Худойберган ота хонадонининг катта, қадимий дарвозаси ёнида болаларнинг шўх рақсларини кўрдик, қўнғироқдек жарангли товушини эшитдик. Хаёлдан «Бу остонани Шерозий, Хоразмий, Ҳамза, Ферузнинг олий мартабали уламолари, Франция, Германия, Россиянинг катта арбоблари хатлаб ўтган. Бу хонадон улкан ижод даргоҳи, Хоразм зиёлиларининг гап-гаштаги, давра суҳбатлари ўтадиган азиз макони бўлган, деган фикрлар ўтди-ю, худди шу дарвозани 1937 йилнинг 17 август куни милтиқли кишилар тепиб очгани, олтмиш ёшини нишонлашга тараддуд кўраётган мўйсафидни ҳибс қилганлари, ўша «Патрак» маҳалласидан уриб, сўкиб олиб чиқиб кетганларини тасдиқловчи ҳужжатларни, хотираларни эсладик... Дарвозадан ичкарига кириб гуллару кўкатлар экилган боғда бир туп тут дарахтини кўрганимизда Худойберган ота гулни севганини, боғ яратганини, бу ерда танбур чалиб дўстларини хушнуд этганини, ёри бўлмиш Бекажон Отажон қизига гул тутганини тасаввур этдик. Тасаввуримиз бой бўлгани учун эмас, Худойберган ота ўша дамларни тасмаларга муҳрлагани, бизга мерос қолдирганидан висол онларини, ижод дамларини, унутилмас дақиқаларни аниқ кўргандек бўлдик...

Худойберган ота барпо этган боғдаги тут чодирга қоқилди, ғарқ пишган мевалардан тановвул қилдик, мўътабар хонадон шаънига дуолар айтилди. Ўйларимиз эса Девонов яшаган муҳитнинг сири, у дўстлашган шахсларнинг фаолияти, орзу-умидлари, кундалик меҳнати билан боғлиқ бўлди. Бу табиий бўлса керак - ахир Худойберган шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Соний Ферузга, шоир ва тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёнийга, қалам соҳиби мунис Хоразмийга, шоир ва мусиқашунос Комил Хоразмийга, ҳофиз Шерозийга замондош бўлган, бир муҳитда ўсиб, камол топган «Девон ота (Х.Девоновни азалдан шундай аташади) немис ва рус тилини билган, французча ҳам гаплашаолган, танбур чертган, шеър ёзган. Шу боис замонасининг етук санъаткорлари билан доимий мулоқотда бўлган... Мана бу дарвозадан кириб боғ томон ўтишган. У ерда Девон отанинг граммофони ҳам, телескопи ҳам, электр нурини ишлаб чиқазадиган баҳайбат ускунаси ҳам, фото ва кинокамераси ҳам бўлган.

Халқ куйларини, қўшиқларини доимо Мадраҳим Шерозий маромига етказиб ижро этган, Девон ота эса гоҳ танбур чертган, гоҳ янги шеърларини ўқиб берган, гоҳ эса қўлига аппаратини олиб меҳмонларни суратга олган, дея ҳикоя қилишади Хива мўйсафидлари. Бундай маслакдош дўстларнинг анжуманлари қай тарзда ўтганини улар ота-боболаридан эшитишган, айримлари эса Девон отани кинокамера билан кўрган ҳам.

Бизни айниқса ўзбек операторининг санъат, адабиёт ҳомийси Феруз билан ўтказган дамлари, шоҳ ва киночи «суратчи» муносабатлари қизиқарли эди-да. Зеро, Худойберган ўша даврда меҳрибон ва бой ҳомийсиз кино фаолиятини бошлаши амри маҳол эди: Хориждан олиб келинадиган камера, тасма, химикатлар, оптика, техник ва химиявий ускуналар, нур манбаларини оддий фуқаро сотиб олишига ишониб бўлмайди. Шу боис хиваликларнинг «Девон ота саройга яқин бўлган. Ҳатто Ферузда кейин тахтга ўтирган Асфандиёр даврида ҳам сарой аҳли билан яхши муносабатда бўлиб, шоҳнинг фарзандини кинога олган...» деган сўзларида жон бордек кўринади. Хива музейларидаги сўнгги хонларнинг фотосуратлари ва бошқа ҳужжатлари бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Феруз ва Худойберган Девоновни яқинлаштирган яна бир воқеанинг тафсилотларини Урганч институтида, Хива музейларида, Дишан Кела мажмуасида кўрдик. Шоҳ Феруз 1883 йили Петербургга бориб келганидан кейин, Хива яқинидаги «Оқ мачит» қишлоғига немис колониясини жойлаштиради. Бу тинчликсевар, меҳнатсевар ва қобилиятли кишиларнинг ҳунари, санъати, кундалик ҳаётидан воқиф бўлган шоҳ уларни Дишон Кела қурилишига жалб этади. Шу тариқа хоналардаги паркет, девор ва эшиклардаги нақшлар немисларга хос меъморий услубда барпо этилган. Девонов ҳовлисининг этаги эса ўша мажмуага уланиб кетган. Бинобарин, ёш Худойберган немис биродарлари билан «Оқ мачит»да ҳам, ўз уйининг ёнгинасида - Дишан Келада ҳам учрашган, суҳбатлашган, кино-фотодан дарс олган. Бу муносабатларни сарой аҳли, бевосита Феруз қўллаб-қувватлаган. Урганч институтининг профессори М.Матниёзов ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

**(Давоми бор.)**



Сариосиё туманида истиқомат қилаётган Парда бобо Хурсанов оиласига ҳамқишлоқлар ҳавас билан қарашади. Боиси серфарзанд, иноқ оилада ҳамиша ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Фарзандлар боболари каби меҳнатсевар, одамохун инсонлар бўлиб вояга етишяпти.

**Суратда: табаррук инсон П.Хурсанов бахтиёр невара-чеваралари даврасида.**

**И.ҲАСАНОВ олган сурат.**

# ИШЧИ СПОРТЧИЛАР МАҲОРАТИ

***Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Ишчи спартакиадаси—2000» мусобақаларининг Фарғона водийси зонаси бўйича финал босқичи ниҳоясига етди.***

Фарғона механика заводига қарашли «Парвоз» номли санаторий-профилакторий спорт мажмуида ўтказилган спартакиадада Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жойлашган тармоқ касаба уюшма қўмиталари спортчилари иштирок этдилар.

Катта тантана тусини олган спартакиаданинг очилиш маросимида йиғилганларни «ЎзДЭУФарғона» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Т.Сотволдиев номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган болажонлар ўз концерт дастурлари билан муборакбод этдилар. Шунингдек, Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Қаюм Дадабоев, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси ўринбосари Маъфура Эшонхўжаева ҳамда водий вилоятлари касаба уюшма кенгашлари вакиллари ҳам иштирокчиларга бўлғуси мусобақаларда омадлар тиладилар.

— Касаба уюшма спортини ривожлантириш бизнинг бош мақсадимиз, - деди жумладан М.Эшонхўжаева. — Спортни оммалаштириш соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан бирга, жисмонан соғлом ва руҳан тетик авлодни камол топтириш омилларидан бири ҳамдир. Шу боис анъанавий тус олаётган ишчилар спартакиадаси дастурига келгусида спортнинг бошқа турларини ҳам киритиш ниятидамиз.

Мусобақа иштирокчилари спортнинг беш тури — енгил атлетика, шахмат, шашка, волейбол ва стол тенниси бўйича қизғин баҳслашдилар. Енгил атлетика, шахмат ва шашка ҳамда волейбол беллашувларида Фарғона вилояти тармоқ касаба уюшма қўмитаси раислар кенгаши жамоасига омад кулиб боқди. Андижонлик ва наманганликлар кейинги ўринларни эгалладилар.

Стол тенниси мусобақаларида ҳам Фарғона вилояти теннисчилари ғолиб чиқдилар. Наманганлик теннисчилар иккинчи, андижонликлар эса учинчи деб топилдилар.

Умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти тармоқ касаба уюшма қўмитаси раислар кенгаши жамоаси биринчи, Андижон вилояти вакиллари иккинчи, наманганликлар эса учинчи ўринга эришиб, пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, шахсий ҳисобда ўз спорт турлари бўйича мусобақаларда зафар қучган ишчи-спортчиларга касаба уюшма Марказий Қўмитасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.**

***Бельгия ва Голландияда ўтган Европа биринчилиги ўз ниҳоясига етгач, мутахассислар ва журналистлар тарихга айланган чемпионат ҳақида қизиқарли маълумотларни, фикр-мулоҳазаларни баён қила бошлашди.***

# «ЕВРО-2000»: МЕЗБОНГА 270 МИЛЛИОН!

Хусусан, мезбонлардан бири — Голландия тарафининг билдиришича, мусобақалар ўтказишдан мамлакат 270 миллион гульден фойда кўрган. Мамлакат авиакомпаниялари 19 та рейс очишга мажбур бўлган. Темирйўл хизмати эса қўшимча 150 минг йўловчини мамлакатга олиб кирган.

Чемпионат мобайнида мамлакат полициясига ҳам етарлича иш топилган. Улар 650 нафар безори мухлисни қўлга олганлар. Ҳарбий полиция ва иммиграция хизмати ходимлари эса 1200 нафар хорижликни мамлакатдан чиқариб юборган. Энг қизиғи, «кутилмаган ва сийланмаган меҳмонлар»нинг 565 нафари туркиялик, 240 нафари германиялик, 200 га яқини италиялик ва қолганлари Англия ва Югославия фуқаролари эди. Уларнинг катта қисми (850 га яқини) ҳужжатларидаги хатоликлар туфайли футбол томошаларидан бебаҳра этилган бўлса, 300 дан зиёд фанат нотинчлик келтириб чиқаргани учун «бадарға» қилинган.

Мамлакат ички ишлар вазири Клаас де Фриснинг таъкидлашича, шунга қарамасдан ҳукумат «чемпионатнинг тинч ўтгани»дан хурсанд. Зеро, ашаддий безори мухлислар учун махсус жойлардан ҳозирлаб қўйилган 400 дан зиёд қамоқхона камераларидан чемпионат давомида атиги 20 тасидан фойдаланилган, холос.

Сўнгги хабарларга қараганда, халқаро мусобақалар ҳадисини олган Голландия ҳукумати яқин йилларда бутун жаҳон талабаларининг универсиада баҳсларини қабул қилишни ҳам режалаштирган.

***Мамлакатимиз мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Хўш, пойтахт вилояти ўқув масканларида бу борада аҳвол қандай?***

# МАКТАБЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибиятга қарашли бўлим ва бошқармаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишда қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда камчиликлар, бой берилган имкониятлар ҳам айтиб ўтилди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 192 та мактаб тоза ичимлик сув билан таъминланмаган. 28 та мактабда эса кутубхона мавжуд эмас. Тошкент туманининг 33-, 27-, 30-мактабларида ёритиш мосламалари йўқ, борлари ҳам яхши ишламайди.

Пскент туманидаги 10-,13-, 15-, 16-, 18-, 24-, 33-, 36-, 41-мактабларда биноларни иситиш системаси ишдан чиққан. Уларни созлашга ҳанузгача киришилмаган.

Айтиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг март ойида Бўка туманида ўтказилган фаоллар йиғилишида ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар билан таъминлаш ишлари таҳлил қилиниб, бу борада сусткашликка йўл қўйган раҳбар ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилган эди. Ушбу таҳлиллардан сўнг таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаб бориш мақсадида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилиниб, шунга мувофиқ мактаб ва боғчаларга ҳомий ташкилотлар бириктирилганди.

Йиғилишда юқоридаги қарор ижроси жойларда тўлиқ бажарилмаётгани қайд этилди. Боз устига Бекобод, Бўка, Зангиота туманларида ҳомийлик қилиш имконияти бўлмаган ташкилотлар, яъни фуқаролар йиғинлари, бюджет идоралари ва ҳатто кўзи ожизлар жамияти мактабларга бириктириб қўйилган.

Ярим йиллик якунларга бағишланган йиғилишда айтилган танқидий фикрлардан вилоятдаги туман ҳамда шаҳар ҳокимлари, вилоят халқ таълими раҳбарлари қандай хулоса чиқарадилар — буни вақт кўрсатади.

# АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Жиззах вилоят хотин-қизлар қўмитаси, мудофаа ишлари бошқармаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари воҳадаги ҳарбий бўлинмаларда бўлиб, аскарлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказди. Учрашувлар чоғида меҳмонлар аскар ва зобитларнинг яшаш тарзи, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Ҳарбийлар меҳмонлар уюштирган катта концерт дастуридан ҳам баҳраманд бўлдилар.

# КУТУБХОНА - ГРАНТ СОҲИБИ

Республикамизнинг энг йирик зиё масканларидан бири - Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси янги адабиётлар билан бойиди. СОРОС фондининг МДҲ давлатлари доирасидаги лойиҳаси асосида мазкур кутубхона шундай имтиёзга биринчилар қатори сазовор бўлди. Тўрт юздан зиёд янги китобни келтиришга сарфланган харажатнинг йигирма беш фоизинигина кутубхона ўз маблағи ҳисобидан қоплади. Улар орасида ғарб файласуфларининг нодир асарлари, иқтисодиёт, бизнес, социология, ҳуқуқшунослик, маданиятшуносликка оид янги адабиётлар бор.

Шуниси эътиборлики, СОРОС жамғармасининг пойтахт кутубхоналари ўртасида ўтказган танловида мазкур кутубхонанинг «Тошкент шаҳрининг оммавий кутубхоналарида ижтимоий журналлар» лойиҳаси энг яхши деб топилиб, кутубхона жамғарманинг махсус грантини қўлга киритди.

## *Миш-миш ва ҳақиқат*

# «ЖЧ-2006»: БАШОРАТЛАР ЙЎҚҚА ЧИҚДИ

***Маълумки, 2006 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш учун Германия, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия, Англия ва Марокаш мамлакатлари даъвогарлик қилишаётган эди. Бироқ сўнгги кунларда Бразилия ўз номзодини қайтариб олди ва ЖАРни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шунингдек, инглиз мухлисларининг ўта жанжалкашлиги сабаб ФИФА Англияни ҳам «ўйиндан чиққан» деб ҳисоблади. Хуллас, «ЖЧ-2006» мезбонлиги учун асосий даъвогар бўлиб амалда Германия ва Жанубий Африка Республикаси мамлакатлари қолди.***

Ўтган пайшанба куни эса ФИФА ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилишида минтақалардан сайланган 24 нафар ижроқўм аъзоси мазкур 2 номзод учун овоз берди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган вақт етиб махсус яшиклар очиб кўрилганда, 12 та овоз Германияга, 11 таси эса Жанубий Африка Республикасига аталгани маълум бўлди. Бир киши эса бетараф қолган эди.

Дарвоқе, йиғилиш олдидан ФИФА президенти Йозеф Блаттер ЖАР номзодини қўллашини маълум қилган ва бошқаларни ҳам шунга чақирганди. Унинг фикрича, ўтган жаҳон чемпионатларини Америка ва Европа қитъалари қабул қилган, навбатдагиси Осиёда ўтади, демакки, 2006 йилги жаҳон биринчилиги учун Африка вакили — ЖАР мезбон бўлишга ҳақли эди. Шу боис ҳам кўплаб мухлису мутахассислар, ҳатто ФИФА раҳбариятининг аксари Европа-Африка курашида «қора қитъа» шарафини ҳимоя қилаетган ЖАР ғолиб чиқишини тахмин қилганди.

Бироқ, овоз бериш натижалари ушбу мантиқни ҳам, тахмину башоратларни ҳам чилпарчин этди. Йигирма тўртинчи овоз эгаси, Океания минтақаси вакили янги зеландиялик Чарлз Дэмпси ҳеч кимга овоз бермади. Аслида у минтақа футбол федерацияларининг хоҳиш-истагини ифодалаб, ЖАРни қўллаб-қувватлаши лозим эди.

Хўш, Ч.Дэмпсининг бундай йўл тутишига сабаб нима? Худди шу савол мана неча кундирки кўпчиликни қизиқтириб келмоқда. Хабарларга кўра, Германия томони Океания вакилини пул билан қўлга олган бўлиши мумкин. Бунга ўз муносабатларини билдирган баъзи немис журналистлари ҳатто жуда жиддий ва анчайин қалтис фикрларни ҳам ўртага ташлашмоқда. Уларнинг таъкидлашларича, порахўрларнинг бошида ФИФА президентининг ўзи турганмиш. Айтганча, ўз ҳамкасблари, қолаверса, матбуот томонидан жиддий танқид қилинаётган Чарлз Дэмпси жаноблари истеъфо беражагини маълум қилган. Аммо, у «Нега ЖАР учун овоз бермадингиз?» деган саволга жўяли жавоб бера олмаётир. Бу ҳолга изоҳ бериб «Кўринадики, бу ерда унинг шахсий манфаати ҳал қилувчи рол ўйнаган. Манфаат эса пора билан қондирилган», деб ёзади Германия газеталаридан бири.

**М.ЭЛМУРОДОВ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 20.45 Буюртма Г— 524. 1 2 3 4 5 6